



Научно-практический электронный журнал

# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



Выпуск №71 (том 1)  
(апрель, 2025)



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №71 (том 1) (апрель, 2025). Дата выхода в свет: 30.04.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ФОНД БОЗОРИ САЛМОҒИНИ ОШИРИШДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	117
ПОНЯТИЕ И УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ДЕЯТЕЛЬНОГО РАСКАЯНИЯ КАК ИНСТИТУТА ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ Невоструев Н.С.	123
THE ROLE OF HEYDAR ALIYEV IN THE DEVELOPMENT OF OUR LANGUAGE Mehdiyeva M.B.	135
НОРМАТИВНОСТЬ КАК ВАЖНАЯ ЧЕРТА ЛИТЕРАТУРНОГО ЯЗЫКА Мехтиева М.Б.	142
К ВОПРОСУ О НАСЛЕДОВАНИИ ПО ЗАКОНУ: ОТ ТЕОРИИ К ПРАКТИКЕ Петрова А.А.	147
НАДЕЖНОСТЬ КАК ВАЖНЕЙШАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКОЙ МЕТОДИКИ Караванов А.А., Нистратов А.М., Рожков А.В.	154
ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПРОФИЛАКТИКИ В БОРЬБЕ С ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ТЕРРОРИСТИЧЕСКИХ И ЭКСТРЕМИСТСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ Пагин Д.А.	162
ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ НАСЛЕДСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ В РОССИИ Богданова Е.С.	172
СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НАСЛЕДОВАНИЯ ПО ЗАКОНУ В РОССИИ И КИТАЕ Петрова А.А.	181
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ГЕНЕРАЛЬНЫХ ПЛАНОВ НАСЕЛЁННЫХ ПУНКТОВ Бачериков А.С., Сухова В.В.	187
ПОДГОТОВКА РЕЧИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ОБВИНИТЕЛЯ В ХОДЕ ПОДДЕРЖАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ОБВИНЕНИЯ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ, СВЯЗАННЫМ С ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ОРГАНИЗОВАННЫХ ПРЕСТУПНЫХ ФОРМИРОВАНИЙ Гаранин В.Г.	194
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ ВОЗДУШНОГО ТРАНСПОРТА Аврамец М.И., Тихомирова А.Д.	203
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПАМЯТНИКОВ ПРИРОДЫ Куклина С.К.	210
ROLE OF FOLKLORE IN SHAPING CONVERSATIONAL SKILLS A. Petrova, J. Carter	221
КЛЮЧЕВЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВОДСТВА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ: ПОНЯТИЯ, ПРИЗНАКИ, КЛАССИФИКАЦИИ Стрельникова А.А.	227



УДК 33

*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ФОНД БОЗОРИ САЛМОҒИНИ ОШИРИШДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ**

Маълумки, фонд биржаси - инвесторлар қимматли қоғозларни, шу жумладан акцияларни, облигацияларни, деривативларни, фонд индексларини ва бошқа молиявий воситаларни сотиб олишлари ва сотишлари мумкин бўлган бозордир. Бу - молиявий бозорнинг энг кучли компонентиدير. Шунингдек, у иқтисодиётнинг соғлиғининг ўлчови ва жаҳон иқтисодий кучининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Шу сабабдан фонд бозори фаолиятини кенгайтириш ва унинг ўрнини мамлакат иқтисодиётида ошириш давлатимизда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ривожланаётган мамлакат сифатида айнан жаҳон тажрибасида ижобий баҳоланган фонд бозорини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг бир бўлаги ҳисобланган молия бозори салмоғини ошириш мақсадида, 2022-йил 28-январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 3 боб 27-мақсади доирасида, фонд бозори салмоғини мамлакат иқтисодиётида ошириш белгиланган бўлиб, унга кўра, келгуси беш йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш режа қилинган . Шунга кўра, мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ва давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026-йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш режалаштирилган.



Фикримизча, бу борада илғор хориж тажрибаларини миллий молия бозорида қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларининг қимматли қоғозлар бозори ҳолатини тадқиқ қиладиган бўлсак, ер шаридаги энг йирик фонд биржаси ҳисобланган New York Stock Exchange (NYSE)да 2022-йилнинг якунларига кўра биржа котировкалаш варағига киритилган 2 600га яқин акция эмитентларининг умумий бозор капиталлашуви 39,00 триллион АҚШ долларига етган. 2022-йил давомида Биржанинг кунлик (1X) ўртача айланмаси 38,8 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Битимлар ҳажми бу қадар юқори бўлиши жуда кўплаб факторларга боғлиқ бўлиб, савдо платформаларида молиявий инструмент турлари жуда хилма-хил. Бундан ташқари, биржа инвестицион фондлари ҳам ташкил этилган ҳамда биржа индекслари савдолари актив йўлга қўйилган. Дериватив турлари ҳам кўп бўлиб уларнинг салмоқли қисми опционлар ташкил қилмоқда. Шу билан бирга бугунги кунда ислом молияси инструментлари савдоси амалга оширилувчи савдо майдонлари ҳам яратилган бўлиб, инвесторларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда барча шароитлар жорий этилган. Барча савдолар учун онлайн платформалар жаҳон талабларига жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқилган, битимлар T+0, T+1 режимида амалга оширилади.

Қўшни давлатлар фонд бозорларидан Қозоғистон Республикасининг Қозоғистон фонд биржаси (KASE) ҳам бугунги кунда тез суръатларда ривожланаётган биржалардан бири ҳисобланади. 2022-йил якунларига кўра биржанинг умумий бозор капиталлашуви 45,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилги умумий бозор капиталлашувига нисбатан 26,4%га пасайган. Шундай бўлишига қарамасдан биржа Марказий Осиёдаги энг йирик биржа мақомини сақлаб қолмоқда. Сабаби, KASE ўзида валюта ва фонд биржаларини бирлаштирган бўлиб, унинг битимлари сони ва ҳажми кўрсаткичлари ошиб боришида ушбу омил катта роль ўйнайди. Биржада акция, облигациялар, давлат қимматли қоғозлари, хорижий валюта ва валютавий своплар, ҳосилавий қимматли қоғозлар, KASE индекси каби молиявий



инструментлар савдолари амалга оширилади. Ушбу инструментларнинг хилма-хиллиги мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириб, фонд бозори фаолиятини янада ўсишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳон биржалари ёки қўшни давлатларнинг фонд биржалари билан таққослаганда Ўзбекистоннинг ягона фонд биржаси ҳисобланган “Тошкент” Республика фонд биржаси (кейинги ўринларда “Тошкент” РФБ ёки Биржа) у қадар кенг қўламдаги молиявий инструментларни инвесторлар учун таклиф қилмайди. Биржанинг фаолияти асосан акциялар ва облигациялар савдоси ҳамда давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш учун келишилган аукцион савдо платформалари таклифидан иборат ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясида ҳам фонд бозори айланмасини янги инструментларни бозорга олиб кириш билан эмас, балки давлат корхоналарини жадал хусусийлаштириш йўли билан ошириш мақсад қилиб қўйилган. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, қимматли қоғозлар савдоларини амалга ошириш учун шароит яратиб берувчи ташкилот сифатида, фонд биржада давлат қимматли қоғозлари савдоларини ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шундай бўлсада, “Тошкент” РФБнинг савдо айланмалари статистикасига назар соладиган бўлсак, йилдан-йилга ушбу кўрсаткич натижалари ошиб бораётганини кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, 1994-йилдан буён фаолият кўрсатаётган “Тошкент” РФБ айланмаси охириги беш йил давомида сезиларли даражада ошиб, 2022 йил якунлари бўйича 114 та эмитентнинг 36,15 млрд дона қимматли қоғозлари билан жами 4,82 триллион сўмлик (429,25 миллион АҚШ доллари миқдоридан) 80 723 та битим тузилган. 2022 йилда тузилган битимлар сони ва ҳажми ўтган йиллар маълумотларига нисбатан мос равишда қуйидагича ошган:

- 2018 йил - +487,08% ва +600,74%;
- 2019 йил - +145,99% ва +997,54%;
- 2020 йил - +123,85% ва +733,04%;
- 2021 йил - +12,92% ва +282,08%.



2022 йилда барча савдо майдонларида амалга оширилган ўртача кунлик битимлар сони 327 тани, ўртача кунлик битимлар ҳажми - 19,50 млрд сўмни (1,73 миллион АҚШ доллари), сотилган қимматли қоғозларнинг ўртача кунлик сони - 146,38 млн донани ташкил этди. Биржа котировкалаш варағидаги 107та эмитентнинг умумий бозор капиталлашуви ҳажми 8,41 миллиард АҚШ долларни қайд этди. Бу кўрсаткич юқорида келтирилган биржаларнинг бозор капиталлашувидан бир неча баробар кичик бўлиб, Ўзбекистон ЯИМ ҳажмининг 10,6%ни ташкил этмоқда.

Ушбу кўрсаткичлардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз фонд бозори ҳолати барқарор, аммо, секинлик билан ривожланмоқда. Жаҳон молия бозорида жуда кўплаб молиявий инструмент турлари пайдо бўлиб, улар билан актив савдолар олиб борилаётган бир пайтда, мамлакатимизда ҳанузгача хусусийлаштириш билан боғлиқ муаммолар тўлиқ ечимини топа оламаяпти. Хаттоки, энг риск даражаси паст ҳисобланган давлат қимматли қоғозлари савдоси ҳам фонд бозорларида эмас, валюта биржасида амалга оширилмоқда.

Биржа ривожланишида яна бир тўсиқ сифатида хорижий валютада биржа савдоларини амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги деб эътироф этиш мумкин. Сабаби, хорижий инвестор “Тошкент” РФБда мавжуд қимматли қоғозларни фақатгина ўзбек сўмида харид қилиши, савдо платформаларида бошқа валютада савдолар амалга ошириш учун етарлича имконият берилмаётганлиги, инвестицион жозибадорликни сусайишига олиб келмоқда.

Хорижий фонд биржалари фаолиятини ўрганишларимиз натижасида, шуни аниқ хулоса қила оламизки, мамлакатимизда ҳам валюта ва фонд биржаларининг бирлашуви қимматли қоғозлар бозори улушининг ошишида улкан ташланган қадам бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сабаби, бу орқали биржада хорижий валюталарда қимматли қоғозлар савдосини йўлга қўйиш, давлат қимматли қоғозлар савдосини амалга ошириш ҳамда хорижий компаниялар орасида “Тошкент” РФБда листингдан ўтишга қизиқиш уйғотиш каби ўзгаришларга замин яратилади. Шу билан бирга, аҳоли орасида биржавий,



молиявий инструментлар турлари, уларга инвестициялар киритиш ва даромад олиш каби билимларни аҳоли саводхонлигини ошириш бўйича дастурларга киритиш ишлари кенг кўламда амалга оширилиши, фонд бозорида янги инструментларга бўлган талабни оширишда хизмат қилиши билан бирга фонд биржасида янги савдо платформаларини яратишга туртки бўла олади. Ушбу масалалар юзасидан, фонд биржаси кўплаб мутахассислар билан музокарлар олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, келтирилган жиҳатлар Ўзбекистон Республикасида капитал бозори ривожланишини янги даражага кўтариб, аҳоли орасида ушбу бозорга қизиқувчи инвесторлар сонини янада орттиришига хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni;
2. Gabriele M. Lepori “Aksionerlar va fond bozori dinamikasi orasida o‘tkir kasallik belgilari: Nyu- York shahridan olingan dalillar”. Empirical Finance jurnali, 2023 yil, 165-181-betlar;
3. A.E. Mambetkaziyev, G.A. Konopyanova, J.Ye. Baykenov “Zamonaviy iqtisodiyot rivojlanish tendensiyalari sharoitida Qozog‘iston Respublikasi aholisining investitsion faoliyati”. Central asian economic review jurnali, 2022 yil;
4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi rasmiy veb- sayti;
5. [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) - "Toshkent"Respublika fond birjasi rasmiy veb-sayti
6. [www.nyse.com](http://www.nyse.com) - Nyu York fond birjasi rasmiy veb-sayti;
7. [www.kase.kz](http://www.kase.kz) - Qozog'iston fond birjasi rasmiy veb-sayti.
8. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш.С., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик–ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, 2018. СамИСИ, 240



9. Oltayev Sh.S. Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 2024, 44, 38-43
10. Oltayev Sh.S. Quality of Education In Higher Education Institutions of Our Country and Innovative Directions of Increasing Competitiveness. Miasto Przyszłości, 2023, 42, 253–256
11. Oltayev Sh.S. Statistical Analysis of the Regional Development of Small Business and Private Entrepreneurship Activity (In the Case of Samarkand Region). Academic Journal of Digital Economics and Stability. 2022, 1 (24), 1-6
12. Олтаев Ш.С. Ўзбекистон иктисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни. Интернаука, 2020, 57-58
13. Холикулов А.Н., Олтаев Ш.С., Рахимов А.А. Проблемы развития антимонопольного управления в контексте развития национальной экономики. Лучшая исследовательская работа 2021, 55-59
14. Oltayev Sh.S. The service sector as the enhancing in raising the standard of living of the population. Вопросы управления и экономики: современное состояние актуальных проблем ... 2020.
15. Oltaev Sh.S. Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2024, 2 (3), 273-280
16. Oltaev Sh.S. The Role Of The State In The Innovative Development Of Tourism. The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021, 3 (10), 17-20
17. Олтаев Ш.С. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини оширишда давлатнинг роли. Интернаука, 2021, 50-53
18. Олтаев Ш.С. Ишчи кучи миграцияси тушунчасига берилган таърифларнинг таснифланиши. Scientific progress. 2021, 2 (4), 857-861

© Олтаев Ш.С., 2025